


# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2016 йил 20 январь, № 13 (6448) Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# ИҚТИСОДИЁТНИНГ БАРҚАРОР РИВОЖИ

амалга оширилаётган таркибий ўзгаришлар, модернизация ҳамда техник ва технологик янгиланишларга бевосита боғлиқ

*Президентимиз раҳнамолигида ишлаб чиқилиб, ҳаётга изчил татбиқ этилаётган тараққиётнинг “ўзбек модели” шарофати билан республикамиз ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан барқарор ривожланиб, халқимиз турмуш фаровонлиги тобора юксалиб бормоқда.*

*Албатта, ўтган йили ишбилармонлик ҳаракатини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, тадбиркорлик субъектларига қатор имтиёз ва енгилликлар бериш, қулай сармоявий муҳит яратиш жараёнлари сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилгани муваффақиятларни мустаҳкамлашда муҳим омил бўлди.*



**ЖАРАЁН**

Зеро, давлатимиз раҳбари мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида таъкидлаганидек, “2015 йилда амалга оширган кенг кўламли, узоқни кўзлаган ислоҳотларни ҳаётга татбиқ этиш эркин тадбиркорликка кенг имтиёз ва преференциялар йўлини очиб бериш, инвестициялар, аввало, чет эл инвестицияларининг ҳажмини ошириш ва жорий этиш иқтисодиётимизнинг барқарор ўсиш суръатларини ва унинг макроиқтисодий мутаносиблигини таъминлаш бўйича ўз ижобий таъсирини берди, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз”.

Ана шундай чора-тадбирлар самараси ўлароқ, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ҳамон давом этаётганига қарамасдан, ҳисобот йилида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 8 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари қарийб 7 фоиз, қурилиш-монтаж ишлари ҳажми салкам 18 фоиз ошди.

Ўз навбатида, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, тармоқларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга доир қатор лойиҳалар рўёбга чиқарилаяпти. Замонавий саноат объектлари фойдаланишга топширилиб, маҳсулотларни маҳаллийлаштириш ҳажми ортмоқда. Шунга яраша қўшимча иш ўринлари яратилаётир. Юқоридагиларнинг барчаси инсон ва унинг манфаатларини тўла таъминлашга йўналтирилгани билан ниҳоятда аҳамиятлидир.

(Давоми 2-бетда).

## Янгиликлар, воқеалар, хабарлар



### Имтиёз ва самара

**Қашқадарё**

Қарши шаҳридаги “Сатурн Пласт” Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонасида амалга оширилган 410 минг АҚШ долларилик навбатдаги лойиҳа шарофати билан 4 ўлчамдаги полимер қувурлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Айтиш жоизки, мамлакатимизда бунёдкорлик ишлари кўлами кенгайиши орқали ушбу маҳсулотларга бўлган талаб тобора ортиб бораяпти. Шу боис ҳозир бу ерда тайёрланаётган полимер қувурларга қўшни Бухоро, Сурхондарё ва бошқа вилоятлардан ҳам буюртмалар келиб тушмоқда.

— Корхонамиз тўлиқ қувват билан фаолият юритаётир, — дейди унинг раҳбари Турсунбой Амиров. — Келгусида қувурларни бирлаштирувчи деталлар ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқчимиз. Бунда юртимизда тадбиркорлар учун яратилган имтиёзлар қўл келади.

**Аҳад МУҲАММАДИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Дизайнни компьютер танлайди

**Хоразм**

Урганч шаҳридаги “Урганч миллий тикувчилик” оилавий корхонасида тайёрланаётган либослар ўлчами, андозаси, дизайни ва рангини махсус дастурлаштирилган компьютерлар танлайди. Бу эса қўл меҳнатини камайтириши баробарида, уларнинг рақобатдошлигини ошираяпти.

Яқинда кичик бизнес субъекти ёрлиғи туширилган маҳсулотлар тури 30 тадан ортди. Бунга 250 миллион сўм миқдоридаги банк кредити ҳисобидан корхонага қўшимча тикув дастгоҳлари келтириб ўрнатилгани туфайли эришилди. Ўз навбатида, жамоа сафида меҳнат қилаётган чеварлар сони 20 нафарга етди.

Шунингдек, корхона мутахассислари тўрт йилдан буён шаҳардаги 96-махсус интернатда тарбияланаётган имконияти чекланган қизларга каштачилик, қуроқчилик ва тикувчилик сирларидан сабоқ бермоқда. Ўтган даврда улардан 150 нафари мазкур ҳунар турларини пухта эгалладилар.

Келгусида корхона қошида ўқув-ишлаб чиқариш марказини ташкил этиш кўзда тутилган.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Ихтисослаштирилган корхона

**Навоий**

Кармана туманидаги Боғишамол маҳалласида “Навоийдонмаҳсулотлари” акциядорлик жамияти томонидан нон ва қандолат тайёрлашга ихтисослаштирилган кичик корхона ишга туширилди.

— Жамоамиз аъзолари, асосан, ёшлардан иборат, — дейди цех бошлиғи Шаҳобиддин Нишонов. — Энг илғор технологиялар ишимизга унум бағишламоқда. Ҳозир маҳсулотларимиз бозор ва савдо дўконларига пешма-пеш етказиб берилаяпти.

Эътиборлиси, таркиби соя уни, Е дармондориси ҳамда антиоксидант, кальций каби шифобахш минераллар билан бойитилаётган корхона неъматлари истеъмолчиларга манзур бўлмоқда.

**Азамат ЗАРИПОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

2 ▷▷

# Ўзбекистон — «Яшил ҳафта-2016» халқаро кўргазмасида

Шу кунларда Берлинда “Яшил ҳафта — 2016” озиқ-овқат саноати, қишлоқ, ўрмон ва боғдорчилик хўжалиги халқаро кўргазмаси бўлиб ўтмоқда. Ҳар йили уюштириладиган жаҳондаги энг йирик мазкур кўргазмада бутун дунёдан турли-туман озиқ-овқат ва ичимликлар, гўшт-сут, денгиз маҳсулотлари, қишлоқ хўжалиги техникалари, иссиқхона, боғдорчилик, чорвачиликда фойдаланиладиган ускуна ҳамда жиҳозлар ва бошқа кўплаб маҳсулотлар намойиш этилаётир.

**БИЗ ВА ЖАҲОН**

Унинг доирасида барча турдаги маҳсулотлар савдоси, аграр, ўрмончилик ва ландшафт лойиҳалаштирилиши соҳаларига оид тақдимот маросимлари, турли симпозиум, семинар, форум ва бошқа тадбирларнинг ўтказилиши анъанага айланиб қолган.

“Яшил ҳафта — 2016” халқаро кўргазмаси бутун дунё ишлаб чиқарувчилари ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг харидорлари ўртасида ўзаро манфаатли шартномаларнинг ўрнатилишига кўмаклашади.




Ўзбекистоннинг ушбу халқаро кўргазмада иштироки ҳам анъана тусига кирган. Жорий йилда мамлакатимиз делегацияси қишлоқ хўжалигида қўлга киритилган муваффақиятларини, ўзининг экспорт ва сармоявий салоҳиятини Европа ҳамда дунё жамоатчилигига намойиш қилмоқда.

Қуйида “Яшил ҳафта — 2016” халқаро кўргазмасидаги айрим иштирокчиларнинг “Жаҳон” ахборот агентлиги мухбирига берган интервьюлари ҳавола этилади.

**Фолькер НЕЕФ, Германиянинг «Berlin City Report» нашри мухбири:**

— “Яшил ҳафта — 2016” халқаро кўргазмасидаги Ўзбекистон бўлмасида меҳмон бўлиб турганимдан мамнунман. Шуниси диққатга сазоворки, кейинги йиллар давомида республика агросаноат мажмуи вакиллари ушбу йирик халқаро кўргазма ишида фаол қатнашаяпти.

(Давоми 2-бетда).

**САРҲИСОБ**

Президентимизнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида алоҳида таъкидланганидек, ўтган йилда юртимизда барча жабҳада салмоқли ютуқлар қўлга киритилиб, аҳолининг турмуш даражаси янада юксалишига эришилди.

# Фуқаролар йиғинлари ислоҳотларнинг фаол иштирокчиси

Хусусан, “Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастурида белгиланган вазифаларни амалга оширишга вазирлик ва идоралар, иқтисодиёт тармоқларига тегишли корхона ҳамда ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, биринчи навбатда, “Нуроний” жамғармаси ҳамда “Маҳалла” хайрия жамоат фонди кенг жалб этилди.

Табиийки, мазкур Дастур ижросини таъминлашда “Маҳалла” хайрия жамоат фонди ва унинг ҳудудий тузилмалари баробарида, юртимиздаги мавжуд 10 мингга яқин фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳам катта ҳиссаси бор. Зеро, азалдан маҳалла — тарбия ўчоғи, миллий қадриятлар маскани бўлиб келган. Инсонлар ўртасида ўзаро меҳр-оқибат, аҳиллик ва тотувлик, кам таъминланган оилалар, ёлғиз кексалар, ногиронлар ҳолидан хабар олиш, тўй-томоша, ҳашар ҳамда маъракаларни кўпчилик билан маслаҳат қилган ҳолда ўтказиш каби элимизга хос анъана ва қадриятлар, аввало, маҳалла муҳитида шаклланган. Истиқлол шарофати билан эса унинг ҳаётимизда тутган ўрни, ислоҳотлар жараёнидаги иштироки янада кенгайди.

— Кексаларни эъзозлаш йилида кўплаб эзгу ва хайрли ишлар амалга оширилиб, нуронийларни қадрлаш, ҳурматини жойига қўйиш, кўнглини кўтариш, саломатлигини тиклаш, улар учун қўшимча қулайликлар яратиш ва маиший шароитларини яхшилаш каби инсонпарварлик ғояларига йўғрилган саъй-ҳаракатлар юқори суръат билан давом эттирилди, — дейди “Маҳалла” хайрия жамоат фонди республика бошқаруви раисининг ўринбосари Д. Усмонов. — Хусусан, Давлат дастури тарғиботи бўйича 65 мингдан ортиқ тадбирлар ўтказилди, уруш ва меҳнат фронти фахрийларининг ижтимоий-маиший шароитларини яхшилаш, фаровонлиги ҳамда муносиб турмушини таъминлаш мақсадида 540 нафарига телевизорлар олиб берилди. Шунингдек, ёлғиз ва ижтимоий ҳимояга муҳтож 3 минг нафардан зиёд нуронийларнинг уй-жойи таъмирланди.

(Давоми 2-бетда).

# Юксак натижалар омили

Давлатимиз раҳбарининг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги “Бош мақсадимиз — мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислоҳотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир” номли маърузасида амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг сарҳисоби билан бир қаторда, 2016 йил ва ундан кейинги даврда юртимизда амалга оширилиши лозим бўлган энг муҳим ҳамда устувор вазифалар белгилаб берилди.

Президентимиз узоқни кўзлайдиган кенг кўламли Дастурни ҳаётга жорий этиш масаласига тўхталар экан, иқтисодиётимиздаги чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, энг муҳими, Конституциямизда назарда тутилганидек, хусусий мулкнинг қонуний, меъёрий-ҳуқуқий ва амалий жиҳатдан устувор ролини таъминлаш, Ўзбекистон иқтисодиётида давлат иштирокини босқичма-босқич камайтиришга қаратилганини таъкидлаб ўтди. Албатта, бу тараққиёт сари илдамлаб бораётган мамлакатимизнинг истиқболини белгилаб олишда муҳим аҳамият касб этади.

(Давоми 2-бетда).

**МУНОСАБАТ**

# Фарзандлари соғлом юртнинг келажаги буюк

Мустақилликка эришганимиздан сўнг ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, аввало, оила, оналик ҳамда боликни муҳофаза қилиш давлатимизнинг устувор вазифаси сифатида белгилаб олиниб, бу ижтимоий сиёсатнинг негизидан жой олди.

Маълумки, Ўзбекистон аҳоли саломатлиги муҳофазасини манзилли дастурлар асосида комплекс ёндашув билан ҳал қилиб бормоқда. Конституциямизда белгилаб қўйилган мақсад-вазифалардан келиб чиққан ҳолда, соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш, мазкур соҳада зарур ҳуқуқий-меъёрий базани такомиллаштириш, пировардида халқимизнинг турмуш сифатини ошириш, миллат генофондини сақлаш борасидаги саъй-ҳаракатлар салмоғи ва самараси ортиб бораётир.

Президентимизнинг Вазирлар Маҳкамасининг ўтган йил якунлари ҳамда жорий йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида қайд этилганидек, 2015 йилда 141 тиббиёт муассасасини қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш учун қарийб 500 миллиард сўм маблағ сарфланди. Республика болалар суяк-сил касалликлари санаторийси, Тошкент тиббиёт академиясининг Урганч филиали, Андижон ҳамда Бухоро вилоятлари кўп тармоқли тиббиёт марказлари, Қарши ва Самарқанд шаҳарларидаги вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказлари, шунингдек, мамлакатимизнинг кўплаб туманларида тиббиёт бирлашмалари реконструкция қилиниб, фойдаланишга топширилди.

(Давоми 2-бетда).



# Илғор технологик жараён

**Андижон**

Марҳамат туманида ташкил этилган “Marlen glove” масъулияти чекланган жамияти маҳсулотлари қисқа муддатда буюртмачилар эътиборига тушди.

Бунда корхона цехларига Жанубий Корея инвестицияси ҳисобига 120 минг АҚШ долларилик замонавий технологиялар келтирилиб, ўрнатилгани алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Эътиборлиси, ушбу дастгоҳларнинг барчаси компьютерлар орқали бошқарилади. Бунинг учун тўқув ускуналарига турли рангдаги калава ип ғалтаклари жойлаштирилиб, улар бир маромда чувалади. Навбатдаги босқичда эса хом ашё маҳсулот шаклига келтирилади. Ҳозир жамиятнинг 15 кишилик жамоаси томонидан 45 минг жуфтдан зиёд ишчи қўлқоплари ишлаб чиқарилмоқда.

Корхона мутахассислари келгусида нефть ва газ саноати тармоқлари ходимлари учун ҳам буюмлар тайёрлашни режалаштирган.

**Саидаҳмад ШУКУРОВ.**

# Бежирим уй жиҳозлари

**Самарқанд**

Нарпай туманидаги “Қозикент Дента сервис” хусусий корхонасида мебель ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Ушбу бизнес-режа рўёбига тижорат банкидан олинган 150 миллион сўмлик имтиёзли кредит ҳамда лойиҳа ташаббускори Одил Бобожоновнинг 50 миллион сўмлик маблағи йўналтирилди.

Ҳозирги кунда илғор дастгоҳлар билан жиҳозланган корхона цехларида 10 га яқин киши иш билан банд. Улар томонидан тайёрланаётган бежирим мебель жиҳозлари пешма-пеш ички бозорга чиқарилаяпти.

Умуман, ўтган йили туманда саноат йўналишида шу каби 23 та лойиҳа амалга оширилди.

**Мамадиёр ЗИЁДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Истиқболли лойиҳа

**Сурхондарё**

Сариосиё туманидаги “Хонжиза Савдо Сервис” масъулияти чекланган жамиятида тайёрланаётган қандолат ва нон маҳсулотларига ички ва ташқи бозорда талаб тобора ортиб бормоқда.

Яқинда бу ерда яна бир истиқболли лойиҳа амалга оширилди. Яъни корхона қошида 4 минг тонна сиғимга эга совиткичли омборхона ишга туширилди.

— Мақсадимиз қиш ва баҳор мавсумида ҳам аҳоли дастурхонига арзон ва сифатли мева-сабзавот етказиб беришдан иборат, — дейди тадбиркор Абдуғаффор Аҳмедов. — Қолаверса, ўтган қисқа даврда жамғарилган маҳсулотларнинг 900 тоннасини экспорт қилдик. 1100 тонна сархил неъматлар эса аҳоли дастурхонига тортиқ этилмоқда. Келгусида мазкур тармоқдан олинаётган даромад ҳисобига 60 ўринли меҳмонхона қуришни режалаштираяпмиз.

**Нормурод ТЕМИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

4 »

# Юксак натижалар омили

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Маърузада ўтган 2015 йил натижалари таҳлил қилинар экан, амалга оширилган таркибий ўзгаришлар, модернизация, техник ва технологик янгиланишлар туфайли иқтисодиётнинг аграр, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси, банк тизимида кўзланган натижаларга эришилгани айтиб ўтилди. Буларнинг барчаси пировардида халқимизнинг фаровон турмуши ҳамда ҳудудлар ободлигини таъминлашга хизмат қилди. Хусусан, ўтган йилда биргина аҳоли реал даромадлари 9,6 фоиз ошди.

Қўлга киритилаётган мазкур ютуқлар нафақат юртдошларимиз томонидан эътироф этилмоқда, балки бутун жаҳон ҳамжамияти, хусусан, нуфузли халқаро молиявий-иқтисодий ташкилотларнинг юқори баҳоларига ҳам сазовор бўлаётир. Бу мамлакатимиз ривожланиш стратегиясининг самарадорлиги, ҳаётга татбиқ қилинаётган ислоҳотларнинг муваффақиятидан дарак беради. Шу ўринда ушбу марраларга эришиш чуқур ва пухта ўйланган сиёсат, тадрижий ислоҳотлар ҳамда уларнинг ҳуқуқий асослари босқичма-босқич такомиллаштириб борилгани натижаси эканини таъкидлаш жоиз. Мазкур жараёнда қонунчилик, ижро ва суд ҳокимиятлари тизими фаолиятини давлат раҳбари мувофиқлаштириб боргани эришилган марраларнинг мустаҳкам гарови бўлди.

Президентимиз юртимизни 2016 йилда иқтисодий жиҳатдан янада ривожлантиришнинг муҳим устувор йўналишларига тўхталар экан, аввало, мамлакатни демократлаштириш ва модернизация қилиш борасида бошланган тизимли ислоҳотларни, иқтисодиётимизнинг саноат ва қишлоқ хўжалигида туб таркибий ўзгаришларни сўзсиз давом эттириш, хусусий мулк, тадбиркорлик ва кичик бизнесни жадал ривожлантириш ҳамда бу соҳа вакиллари манфаатларини ҳимоя қилиш, макроиқтисодий мутаносибликни таъминлаш зарурлигига барчанинг эътиборини қаратди. Ижтимоий соҳани ривожлантириш, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини янада ошириш билан боғлиқ масалалар бундан буён ҳам диққат-эътиборда бўлишини таъкидлади.

2030 йилга бориб республикамизда ялпи ички маҳсулот ҳажмини камида 2 баробар оширишга эришиш мақсад қилинди, ташқи бозорларда харидоргир, юқори қўшимча қийматга эга замонавий тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва энг муҳими, одамларимизнинг муносиб ҳаёт даражасини таъминлаш вазифаси белгиланди. Бу жараёнда биз, депутатлар мавжуд қонунчиликни такомиллаштириш, мамлакатимизда қонун устуворлигига эришиш каби масъулиятли вазифамизни таъминлашимиз, кенг жамоатчилик, партиялар электорати ва сайловчиларимиз билан олиб бориладиган фаолиятимизни янада юқори даражага олиб чиқишимиз талаб этилади. Зеро, қонун устуворлиги таъминланган юртда ҳуқуқий маданият юксалади, аҳолининг янада тинч, осуда, фаровон ҳаёт кечиришига яратилган имкониятлар мустаҳкамланади.

**Алишер ҚОДИРОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати.**

# Фарзандлари соғлом юртнинг келажаги буюк

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Қишлоқ врачлик пунктларини оптималлаштириш ҳамда замонавий диагноз, даволаш ускуналари билан жиҳозлаш ишлари ниҳоясига етказилди.

Умуман, ушбу йўналишдаги саъй-ҳаракатлар натижасида кейинги беш йилда мамлакатимизда оналар ва болалар ўлими сезиларли камайди. Мазкур кўрсаткичлар бўйича Ўзбекистон БМТнинг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига тўлиқ эришгани ҳар биримизга фахр-ифтихор бағишлайди.

Албатта, ана шу ютуқ ҳамда натижаларимиз замирида нафақат тиббиёт соҳасида олиб борилаётган ўзгаришлар, шу билан бирга, жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш, одамларнинг тиббий маданиятини юксалтириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар, парламентимиз томонидан қабул қилинаётган қонунлар, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан амалга оширилаётган манзилли дастурлар мужассамдир. Чунончи, ўтган йили янги таҳрирда қабул қилинган “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги Қонун соғлом авлодни шакллантиришнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этди.

Бугунги кунда республика бўйича 50 мингдан зиёд спорт иншоотлари фаолият кўрсатаяпти. Энг чекка, олис ҳудудларда ҳам замонавий спорт мажмуалари барпо этилиб, наинки болалар ва ёшлар, балки аҳоли кенг қатлами мунтазам спорт билан шуғулланиши учун зарур шароитларни яратишга, шу орқали оилаларда соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга улкан эътибор қаратилмоқда. Айниқса, жисмоний тарбия ва спорт соҳасида хотин-қизларнинг фаоллиги ортиб бораётгани алоҳида эътирофга молик. Юртимизда спортнинг бадиий гимнастика, сузиш, синхрон сузиш, теннис ҳамда бошқа турлари билан доимий равишда шуғулланаётган қизлар сафи тобора кенгайиб бораётгани, спорт машғулотлари ҳатто уй бекалари кундалик ҳаётининг ажралмас қисмига айланаётгани қувонарлидир. Зотан, она соғлом бўлса, фарзанд соғлом бўлади, фарзандлари соғлом юрт қудратли, келажаги эса буюкдир.

Таъкидлаш ўринлики, бу борадаги ишларнинг самарадорлигини ошириш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоларидан ҳам масъулият ва ташаббускорликни талаб этади. Соғлиқни сақлаш ҳамда спорт соҳасидаги қонун ҳужжатлари, давлат ва ҳудудий дастурлар ижроси устидан парламент назоратини кучайтириш, маҳаллий ҳокимият ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, таълим муассасалари, нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорликда аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ишларини янада жадаллаштириш мақсадга мувофиқ. Оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича шаклланган ҳуқуқий-меъёрий базани такомиллаштиришда, Соғлом она ва бола йилида кўзда тутилаётган устувор вазифаларнинг ижросини таъминлашда фаоллик кўрсатишимиз айни заруратдир.

**Сайёра БАРАТОВА,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси.**





# Ўзбекистон — «Яшил ҳафта-2016» халқаро кўргазмасида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Мен Ўзбекистонда кечаётган ўзгаришларни диққат билан кузатиб бораман. Турли соҳаларда мамлакат қўлга киритаётган муваффақиятлардан яхши хабардорман. Ўзбекистон ўзининг агросаноат жабҳасида йилига 6-7 фоиз атрофида барқарор ўсиш суръатларини намойиш этаётгани мамлакатда олиб борилаётган иқтисодий сиёсатнинг самарали эканлигидан далолат беради.

Бундан ташқари, Ўзбекистон заминида етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бутун дунёда севиб харид қилинишини ҳам яхши биламан. Чунки улар юқори сифатга эга, экологик жиҳатдан тоза ва баҳоси ҳам мақбулдир.

Бугунги кунда дунёнинг 80 дан зиёд мамлакати республикадан озиқ-овқат маҳсулотларини экспорт қилмоқда. Бу мустақил ривожланиш йиллари давомида мамлакатда қишлоқ хўжалиги жабҳасини тубдан ислоҳ этиш юзасидан улкан ишлар амалга оширилганини яна бир карра тасдиқлайди.

Агросаноатчиларнинг Берлин форуми бутун дунё ишлаб чиқарувчилари ва харидорлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни ўрнатиш нуқтаи назаридан Ўзбекистон учун ҳам қулай майдон ҳисобланади.

Ўзбекистоннинг ушбу халқаро анжуманда фаол иштирок этаётгани республика агросаноат жабҳасининг янада равнақ топишига хизмат қилиши баробарида, давлатнинг экспорт салоҳиятини янада юксалтиришга кўмаклашади.

**Хайнц РУНАУ,**
**кўргазманинг дрезденлик иштирокчиси:**

— Мен бугун биринчи марта Ўзбекистон бўлмаси билан танишдим. У ўзига хос безалгани, турли ахборот материалларига бойлиги, турли-туман озиқ-овқат маҳсулотлари жой олган пештахталари ва ноёб миллий таомлари билан киши эътиборини ўзига жалб этади. Қолаверса, Ўзбекистон бўлмаси “Messe Berlin” кўргазмалар мажмуининг марказий қисмларидан бирида жойлашгани ҳам тадбирнинг кўп сонли қатнашчилари ва меҳмонлари юртингиз павильони билан яқиндан танишишига имкон бермоқда. Улар ҳам ўзим сингари ўзбек халқининг бой маданияти, анъаналари, республиканинг замонавий ривожланиши, мустақиллик йиллари мобайнида эришган муваффақиятларига доир маълумотлар билан ошно бўлмоқдалар.

Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон делегациясининг ушбу кўргазмадаги ишига каттадан-катта муваффақиятлар тилайман.

**«Жаҳон» АА.**
Берлин

# Фуқаролар йиғинлари ислоҳотларнинг фаол иштирокчиси

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Саховат ва Мурувват уйларида яшовчи нуронийларга 541,2 миллион сўмлик кийим-кечак улашилди, 30 минг нафардан зиёд уруш қатнашчилари ва ёлғиз пенсионерларнинг зарур дори-дармонлар билан бепул таъминланишига кўмаклашилди. Муҳим саналарда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламига манзилли мурувват ёрдами кўрсатиш бўйича 6 мингдан ортиқ бадиий-маданий тадбирлар ва учрашувлар уюштирилиб, 38 минг нафардан кўпроқ кишига моддий ёрдам кўрсатилди. Биргина Наврўз байрами ҳамда 9 май — Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан 9 минг нафардан ортиқ Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва меҳнат фахрийларига совға-саломлар тарқатилди. Йил давомида 215 минг нафардан зиёд фахрийларимизни бепул тиббий кўрикдан ўтказишга кўмаклашилди.

Давлат дастуридан келиб чиққан ҳолда, Фонд томонидан кексаларнинг маданий ҳордиқ чиқаришини таъминлаш юзасидан амалга оширилган ишлар ҳам эътирофга лойиқ. Масалан, “Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин” шиори остида 46 минг нафардан зиёд уруш ва меҳнат фронти фахрийси, ёлғиз кекса ва ногиронлар иштирокида Бухоро, Самарқанд ва Хива каби тарихий шаҳарларга саёҳатлар уюштирилди. Шунингдек, 35 минг нафардан ортиғи кинотеатр, театр, музей ва концерт томошаларига жалб этилди.

Бундан ташқари, фидокорона меҳнати ва муносиб ҳаёт йўли билан халқ ҳурматига сазовор бўлган 100 ва ундан катта ёшдаги инсонларни эъзозлаш мақсадида маҳаллаларда кексалар иштирокида “Аср билан юзма-юз”, “Кексаси бор хонадон — файзли хонадон”, “Кексалар дуосини олайлик” мавзуларида турли тадбирлар уюштирилди ҳамда улар доирасида 2 минг нафардан кўпроқ отахон ва онахонларга совға-саломлар улашилди.

— Йил давомида ёши улуғ инсонларнинг дам олиши, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишлари учун қулай шарт-шароит яратиш мақсадида 2 мингга яқин фуқаролар йиғинлари шахмат-шашка ҳамда стол тенниси жиҳозлари билан таъминланди, — дейди Д. Усмонов. — Бунинг учун Фонд томонидан 822 миллион сўм йўналтирилди. Айни чоғда 2130 та гузар ҳамда 1590 та маданият ва аҳоли дам олиш марказида, шунингдек, 5091 махсус тўгаракда очилган мулоқот клубларига 33 минг нафарга яқин нуроний жалб этилди. Маҳаллаларда 3 мингга яқин соғломлаштириш гуруҳи тузилган бўлиб, ҳозирги пайтда уларга 17 минг нафардан зиёд ёши улуғ инсонлар доимий қатнашиб келмоқда.

Фонд томонидан ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ўтказиб келинаётган “Отам, онам ва мен — спортчилар оиласи”, “Биз ақл-идрокли оилалармиз” каби мусобақалар кексаларни машғулотларга қамраб олиш орқали саломатлигини мустаҳкамлашда муҳим омил бўлаётир.

Ўтган йилда фуқаролар йиғинларининг асосий фаолият йўналишлари бўйича комиссиялари ва “Ота-оналар университетлари” ишига аҳолини ортидан эргаштира оладиган, обрў-эътиборли отахон ва онахонларни жалб этишга алоҳида эътибор қаратилди. Муҳими, бугун уларнинг бой ҳаётий тажрибаси маҳаллани аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан таъсирчан жамоатчилик назоратини ўрнатиш борасида қўл келаётир. Айниқса, уларнинг оилаларда маънавий муҳит барқарорлигига эришиш, фарзандлар бахти ва камолини кўришнинг асосий омиллари юзасидан бераётган насиҳатлари фойдали бўлаяпти.

Умуман олганда, “Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастури доирасидаги тадбирларга Фонд ҳисобидан 10 миллиард сўмдан зиёд маблағ сарфлангани бу борадаги ишлар кўлами нечоғли кенг эканлигидан далолат бериб турибди. Зотан, маҳалла институтини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашдан кўзланган асосий мақсад унинг фуқаролик жамиятининг муҳим бўғини сифатида мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлардаги фаол иштирокини таъминлашдан иборатдир.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ИҚТИСОДИЁТНИНГ БАРҚАРОР РИВОЖИ

## амалга оширилаётган таркибий ўзгаришлар, модернизация ҳамда техник ва технологик янгиланишларга бевосита боғлиқ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Пировардида сўнгги йилларда аҳоли турмуш сифати тубдан яхшиланди. Бунинг ижобий натижалари диёримизнинг шаҳару қишлоқларига кўрк бағишлаб турган уй-жойлар, ижтимоий иншоотлар, савдо мажмуалари, заводлар, фабрикалар кўпайиб бораётгани мисолида кўзга янада яққол ташланади. Бунёдкорлик жараёнлари, шунингдек, иқтисодиётнинг турли соҳалари ривожига туртки бериб, миллий маҳсулотлар кўпайишига хизмат қилаяпти.

Пойтахтимизда фаолиятини бошлаганига ҳали кўп бўлмаган “Lider Line” корхонаси ҳам бозорда ўз ўрнини топган ишлаб чиқариш субъектларидан биридир. Бу ерда халқаро стандартларга тўлиқ жавоб берадиган ва биноларни иситишда қўлланиладиган алюминий радиаторлар тайёрланмоқда.

— Уй сотиб олаётганда, биринчи бўлиб нимага эътибор берамиз? — дейди компаниянинг ишлаб чиқариш бўйича раҳбари Обид Тошев. — Албатта, ҳаммамизни “янги турар-жой қишда иссиқ бўладими ёки йўқми?” деган савол қизиқтиради. Чунки бу муҳим масала. Агар хонадон етарли даражада исимаса, кўпчилик ўйлаганидек ушбу муаммо ҳамиша ҳам марказий иситиш тизимига боғлиқ бўлмайди. Бунда у ерга ўрнатилган радиаторлар ҳам ўзига хос роль ўйнайди. Мазкур қурилмаларда иссиқликни етказиб бериш талабга мувофиқ бўлиши керак. Унга ишлатилган хом ашё қанчалик сифатли, тайёрлаш технологияси нақадар илғор бўлса, юқоридаги масалага ўз-ўзидан ечим топилади. Биз айнан шу мезон асосида фаолият олиб бормоқдамиз.



Айни пайтда корхонада Италия, Германия каби давлатлардан келтириб ўрнатилган энг сўнгги русумдаги асбоб-ускуналар, автоматлаштирилган линия кўмагида етти турдаги маҳсулот тайёрланаяпти. Улар олдинги муқобилларига нисбатан 7-8 фоиз кўп иссиқлик етказиб бериш имкониятига эга бўлиб, ишчи босимга ҳам анча чидамлидир.

Бинобарин, ўзбек бренди қатор халқаро кўргазмаларда ҳам юқори баҳоларга сазовор бўлаётгани бежиз эмас.

Компанияда маҳаллий хом ашёдан фойдаланилаётгани, зарур сертификатлар олингани нафақат товар таннархини арзонлаштириш, балки мижозлар ишончини мустаҳкамлаш, хорижлик ҳамкорлар эътиборини тортишда катта ўрин тутмоқда.

Бугун мазкур тадбиркорлик субъектида юздан ортиқ киши меҳнат қилаётир. Уларнинг асосий қисми ёшлар — олий ўқув юртлари, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари.

— Мана шундай корхонада ишлаётганимдан жуда фахрланаман, — дейди улардан бири Насиба Шоносирова. — Бугун тенгдошларим орасида қаерда ўқийман, кейин қаерда ишлайман, деган савол билан яшайдиганлари деярли йўқ. Чунки ёш авлод учун юртимизда нимаики зарур бўлса, ҳаммаси муҳайё этилган. Ўзимдан мисол. “Устоз — шогирд” анъанасидан унумли фойдаланиб, бор билимим, куч-ғайратимни ишга солаяпман. Шунга яраша жамиятда муносиб ўрнимни топдим.

Мухтасар айтганда, корхона жамоаси аҳоли эҳтиёжи учун зарур бўлган маҳсулотларни ўзлаштириш даражасини янада кенгайтириш, қўшимча иш ўринлари яратиш, тадбиркорлар учун жорий қилинаётган имтиёзлардан унумли фойдаланиб, экспортни йўлга қўйиш мақсадида самарали фаолият юритмоқда.

**Саиджон МАХСУМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2016 йил 19 январдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)*

| | |
|---|---|
| 1 Австралия доллари | 1951,68 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 4036,21 |
| 1 Дания кронаси | 412,59 |
| 1 БАА дирҳами | 769,53 |
| 1 АҚШ доллари | 2826,48 |
| 1 Миср фунти | 360,98 |
| 1 Исландия кронаси | 21,79 |
| 1 Канада доллари | 1946,48 |
| 1 Хитой юани | 429,69 |
| 1 Россия рубли | 36,92 |
| 1 Украина гривнаси | 116,86 |
| 1 Малайзия ринггити | 641,36 |
| 1 Польша злотийси | 686,32 |
| 1 СДР | 3910,58 |
| 1 Туркия лираси | 929,98 |
| 1 Швейцария франки | 2812,70 |
| 1 евро | 3078,88 |
| 10 Жанубий Корея вони | 23,35 |
| 10 Япония иенаси | 241,15 |

**) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

# Экспорт учун кенг имконият

*Юртимизда кичик бизнес субъектларига берилаётган имтиёзлар уларнинг истиқболли лойиҳалари рўёбига кенг йўл очаяпти. Натижада жаҳон бозорига дадил кириб бораётган маҳаллий ишлаб чиқарувчилар сони тобора ортмоқда. Бунда давлатимиз раҳбари томонидан 2013 йил 8 августда имзоланган “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарор дастуриламал бўлаётир.*

## КИЧИК БИЗНЕС

Ҳозир мазкур ҳужжатга мувофиқ, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳузурида ташкил этилган Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси соҳа вакилларининг яқин ҳамкори ҳамда беминнат кўмакчисига айланган. Чунончи, ўтган йили унинг Қашқадарё вилояти ҳудудий филиали томонидан 30 га яқин хусусий сектор тузилмасига молиявий, ташкилий ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатилди.

— Президентимизнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида қайд этилганидек, жаҳон бозорларида конъюнктура тобора кучайиб бораётган бугунги шароитда иқтисодиётимизнинг рақобатдошлигини тубдан ошириш, экспортга маҳсулот чиқарадиган корхоналарни қўллаб-қувватлашни кучайтириш, фермер хўжаликлари, кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспорт фаолиятидаги иштирокини ҳар томонлама рағбатлантириш устувор аҳамиятга эга бўлмоқда, — дейди филиал раҳбари Абдулла Ғаффоров. — Шундан келиб чиқиб, фаолиятимизни тобора такомиллаштириб боришга интилаяпмиз. Ўтган даврда филиалимиз томонидан 50 дан ортиқ кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларида ишлаб чиқарилаётган товарлар турлари ҳамда номлари бўйича тизимли таҳлил ўтказилди. Уларнинг ташқи бозорда рақобатдошлиги аниқланиб, маълумотлар базаси яратилди ва маҳсулот харидоргирлигини ошириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилди. Албатта, бундай изланишларимиз амалда ўз самарасини бермоқда. Яъни ўтган йил давомида 19 та корхона филиалимиз кўмагида 16 миллион АҚШ долларидан зиёд экспорт шартномаларини имзолашга муваффақ бўлди. Масалан, Ғузор туманидаги “Жасмина фрукт сервис” кўп тармоқли фермер хўжалиги чет эллик ҳамкорлар билан 280 минг АҚШ долларилик келишувга эришган бўлса, Касби туманидаги “Касби тинчлик плюс” МЧЖ 120 минг АҚШ долларилик буюртма олди. Деҳқонободдаги “Нур Азиз импекс” МЧЖ эса ташқи бозорга 240 минг АҚШ долларилик маҳсулот етказиб берадиган бўлди. Бинобарин, Китоб туманидаги “Вигет импекс” фермер хўжалигининг 340 минг АҚШ долларилик экспорт шартномасини имзолашида унга филиалимиз томонидан ажратилган 250 миллион сўм миқдоридаги молиявий кўмак қўл келди.

Албатта, буларнинг барчаси пировардида турли давлатлар билан савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлаш, хусусий секторнинг ташқи бозордаги фаолиятини кенгайтириш ва мамлакатимиз экспорт салоҳиятини янада юксалтиришга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

**Мусо МУРОДОВ.**

*Хизматлар лицензияланган.*

---

XALQ BANKI

**ДИҚҚАТ!**

**Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат Халқ банки**

юридик ва жисмоний шахсларни банк томонидан ташкил этилган ҳамда ўтказилаётган турли лотереялар билетларини тарқатиш бўйича томонлар учун манфаатли шартлар асосида ҳамкорликка таклиф қилади.

Ҳамкорлик шартномаларини имзолаш учун Халқ банкининг жойлардаги туман ва шаҳар филиалларига мурожаат этиш мумкин.

**Қўшимча маълумот учун телефонлар: (+99871) 120-17-33, 120-17-24, 233-78-97.**

81R/120

Хизматлар лицензияланган.

---

XALQ BANKI

**«Омад кулганда» (2-чиқарилиши) тиражли, пул-буюм ютуқли лотереяси иштирокчилари ДИҚҚАТИГА!**

**Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат Халқ банки**

«Омад кулганда» (2-чиқарилиши) тиражли, пул-буюм ютуқли лотереяси бўйича 2015 йил 24-25 октябрда Самарқанд шаҳрида ўтказилган ютуқлар тиражи натижаларига кўра, ютуқли, деб топилган лотерея билетлари соҳибларини банк филиалларига мурожаат қилиб, ўз ютуқларини расмийлаштиришларини сўрайди.

Ютуқли лотерея билетлари 2016 йил 29 февралгача тўловга қабул қилинади. Ушбу муддат тугаганидан сўнг лотерея билетлари ўз кучини йўқотади ва тўловга қабул қилинмайди.

*Шошилинг, ютуқларни ўз вақтида олишни унутманг!*

80R/120

Хизматлар лицензияланган.

---

*Вазирликлар, идоралар, қўмиталар, ўқув ва илмий муассасалар, корхоналар, ташкилотлар, хорижий, қўшма ва кичик корхоналар, фирмалар ҳамда тадбиркорлар диққатига!*

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Марказий банк, Савдо-саноат палатаси**

**2016 йил 23 январь куни соат 9.00 да Тошкент давлат иқтисодиёт университети БАНК ИШИ ФАКУЛЬТЕТИнинг 2015/2016 ўқув йили битирувчилари учун**

**«ИШ ЎРИНЛАРИ ЯРМАРКАСИ»**

**тадбирини ўтказади.**

Тошкент давлат иқтисодиёт университети БАНК ИШИ ФАКУЛЬТЕТИни 2015/2016 ўқув йилида қуйидаги таълим йўналишлари бўйича талабалар битирадилар:

— **5230700 — Банк иши**
— **5230400 — Маркетинг (товарлар ва хизматлар)**
— **5230400 — Маркетинг (ташқи иқтисодий фаолият)**
— **5230100 — Иқтисодиёт (инфратузилма)**

**Мазкур тадбирнинг мақсади қуйидагилардан иборат:**

— битирувчиларни иш берувчилар томонидан таклиф этилаётган бўш иш ўринлари билан таништириш, шунингдек, уларга меҳнат бозори, мутахассисларга эҳтиёжи мавжуд корхона ва ташкилотларда ишга жойлашиш имкониятлари, мавжуд бўш иш ўринлари тўғрисида тўлиқ маълумотлар бериш;
— битирувчиларнинг махсус, касбий ва малакавий билимлари ҳамда қобилиятлари тўғрисидаги маълумотларни иш берувчиларга тақдим этиш;
— иш берувчи корхона ва ташкилотлар билан университет ўртасида интеграцион алоқалар ўрнатиш ҳамда ўзаро манфаатли ҳамкорлик йўналишларини муҳокама қилиш, битирувчиларни касбга йўналтириш, ишга тақсимлаш ва жойлаштириш бўйича шартномалар тузиш;
— иш берувчи корхона ҳамда ташкилотларда битирувчиларнинг малакавий амалиёт, стажировкаларини ўтказиш масалаларини муҳокама қилиш.

82R/33

**Тадбир ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 49-уй, 1-ўқув биноси. Маълумот учун маркетинг бўлими телефони: (+99871) 239-28-77.**

---

GRUZSHINA.UZ

САМЫЕ НИЗКИЕ ЦЕНЫ

ГАРАНТИЯ КАЧЕСТВА



Товары сертифицированы Услуги лицензированы

**Тел. (+99871) 250-07-40.**
**Факс (+99895) 170-32-52.**

53R/740

---

## «VIP REAL ESTATE» МЧЖ

**аукцион савдоларига таклиф этади.**

2016 йил 5 февраль куни соат 12.00 да мулк бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Бўстонлиқ тумани СИБ томонидан хатланган қуйидаги мулклар такроран қўйилмоқда:

* ЖИБ Тошкент вилояти судининг 2013 йил 14 майдаги 3020-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, «Чорбоғ» ҚФЙ, «Чорбоғ гўзал боғи» БУШда жойлашган, фойдаланиш майдони 280,80 кв.м.дан иборат бўлган дала-ҳовли.

***Бошланғич баҳоси — 1 271 086 093 сўм.***

* ЖИБ Тошкент вилояти судининг 2013 йил 27 декабрдаги 2-195-13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, «Янгиовул» ҚФЙда жойлашган, қурилиш майдони 1195,11 кв.м., фойдаланиш майдони 468,26 кв.м., асосий бинолар сони 6 та, ёрдамчи бинолар сони 3 та бўлган қўй қўраси бино-иншоотлари.

***Бошланғич баҳоси — 172 158 469 сўм.***

* ЖИБ Тошкент вилояти Қибрай тумани судининг 2012 йил 19 мартдаги 1-49/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, «Нанай» ҚФЙда жойлашган, ер майдони 326,0 кв.м., фойдаланиш майдони 61,75 кв.м. бўлган, 3 та хонадан иборат дала-ҳовли.

***Бошланғич баҳоси — 45 822 510 сўм.***

2016 йил 23 февраль куни соат 12.00 да мулк бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига ФИБ Ўрта Чирчиқ туманлараро судининг 2011 йил 14 июлдаги 0214-сонли ижро варақасига асосан, Оққўрғон тумани СИБ томонидан хатланган, Тошкент вилояти, Оққўрғон тумани, Охунбобоев кўчасида жойлашган, 3 та хонадан иборат 2,5 сотихли нотураржой қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 46 791 300 сўм.***

Аукцион савдосига чиқарилган кўчмас мулклар билан тегишли туман СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоси ғолиби савдо ўтган санадан бошлаб 5 (беш) банк куни ичида мулк учун тўловни амалга ошириши лозим. Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва аукцион савдосидан бир кун олдин соат 12.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлар тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги маблағни тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, савдо ташкилотчисининг АТБ «InfinBANK»даги МФО: 01041, СТИР: 302681189, 20208000600250595001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва ариза билан қуйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак:

— жисмоний шахслар — паспорт нусхаси;
— юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда;
— закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати;
— хорижий юридик ва жисмоний шахслар — сўмдаги маблағларнинг келиб чиқиши қонунийлигини тасдиқлайдиган маълумот.

Қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади.

73R/465

**Батафсил маълумот олиш учун манзил: Тошкент шаҳри, Амир Темур 1-тор кўчаси, 6-уй. Телефон: (0-595) 143-0-143. E-mail: info@realtors.uz www.realtors.uz**

Хизматлар лицензияланган.

---

## «KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

**Қорақалпоғистон Республикаси Бош филиали**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.***

**I.** Аукцион савдосига Қорақалпоғистон Республикаси Кегейли тумани СИБ томонидан ЖИБ Кегейли тумани судининг 2014 йил 27 мартдаги 1-136-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:

**1.** Кегейли тумани, Халқобод қўрғонида жойлашган тўйхона (собиқ универмаг) биноси.

***Бошланғич баҳоси — 173 188 621 сўм.***

**2.** Нукус шаҳри, 23-кичик туманда жойлашган автобаза (мажмуа) биноси (собиқ 1-сонли автобаза).

***Бошланғич баҳоси — 542 944 759 сўм.***

**II.** Аукцион савдосига Қорақалпоғистон Республикаси Кегейли тумани СИБ томонидан ЖИБ Кегейли тумани судининг 2013 йил 4 декабрдаги 2-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Кегейли тумани, «Қизил уй» ОФЙда жойлашган, умумий майдони 5,2 гектар бўлган, колбаса ишлаб чиқарувчи 2 қаватли цех биноси ва ундаги колбаса ишлаб чиқариш жиҳозлари мулкий мажмуа сифатида такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 596 808 238 сўм.***

Аукцион савдоси 2016 йил 5 февраль куни соат 15.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2016 йил 3 февраль куни соат 18.00.

Мазкур кўчмас мулклар 2016 йил 5 февраль куни сотилмай қолган тақдирда, уларнинг такрорий аукцион савдоси 2016 йил 23 февраль куни соат 15.00 да бўлиб ўтади.

2016 йил 23 февраль куни бўлиб ўтадиган аукцион савдосига аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2016 йил 19 февраль куни соат 18.00.

Кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, АТ «Турон» банки Нукус филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000504920609003, МФО: 00585, СТИР: 207122519.

**Савдо ўтказиладиган манзил: Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри, А. Шамуратова кўчаси, 117-«Б» уй, 2-қават. Телефон: (0-361) 222-84-44. www.1kms.uz**

86R/02

Лицензия: RR-0001.

---

## «CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ

***очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

**«Capital realtor group» МЧЖда 2016 йил 9 февраль куни соат 11.00 да объект бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:**

**1.** Миробод тумани СИБ томонидан 2015 йил 5 июндаги 10-1510/11813-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Ҳамал кўчаси, 29-уйда жойлашган, умумий майдони 67820 кв.м., фойдаланиш майдони 11180 кв.м. бўлган бино-иншоотлар.

***Бошланғич баҳоси — 14 146 747 797 сўм.***

**2.** Юнусобод тумани СИБ томонидан 2011 йил 1 июндаги 1-2736/11-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 13-мавзеда жойлашган, умумий майдони 2700 кв.м. бўлган, қурилиши тугалланмаган кўп қаватли уй (блок А).

***Бошланғич баҳоси — 1 796 349 000 сўм.***

**3.** Юнусобод тумани СИБ томонидан 2011 йил 1 июндаги 1-2736/11-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 13-мавзеда жойлашган, умумий майдони 2100 кв.м. бўлган, қурилиши тугалланмаган кўп қаватли уй (блок Б ва блок В).

***Бошланғич баҳоси — 1 859 317 000 сўм.***

Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 17.00 гача қабул қилинади ва савдо бошланишига бир иш куни қолганда соат 16.00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда «Capital realtor group» МЧЖнинг АТ «Капиталбанк» Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уй. Телефон: (0-371) 250-19-24.**

Хизматлар лицензияланган.

**Билдириш.**

«Халқ сўзи» газетасининг 2016 йил 9 январдаги № 6 (6441)-сонида чоп этилган билдиришдаги Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Шароф Рашидов кўчаси, 16-уйда жойлашган уй-жой комплексининг 2016 йил 9 февраль санасига кўчирилган аукцион савдоси бекор қилинди.

**«Capital realtor group» МЧЖ маъмурияти.**

71A/34

---

## «CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ

***очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.***

«Capital realtor group» МЧЖ Самарқанд филиалида 2016 йил 3 февраль куни соат 11.00 да объект бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:

**I.** Самарқанд шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Самарқанд тумани судининг 2014 йил 1 майдаги 1-79-14-сонли ижро варақасига асосан хатланган:

**1.** Самарқанд шаҳри, Абу Мансур Мотуридий кўчаси, 10-уйда жойлашган, ер майдони 717,23 кв.м. бўлган, 2 қаватли маъмурий бино.

***Бошланғич баҳоси — 789 667 990 сўм.***

**2.** Самарқанд шаҳри, Фитрат кўчаси, 5-«А» уйда жойлашган, ер майдони 316,82 кв.м. бўлган савдо дўкони.

***Бошланғич баҳоси — 307 592 928 сўм.***

**II.** Самарқанд шаҳар СИБ томонидан ФИБ Жомбой туманлараро судининг 2015 йил 3 февралдаги 4108/2595-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Самарқанд шаҳри, Оби Раҳмат кўчаси, 3-йўлак, 23-«Б» уйда жойлашган, умумий майдони 251,07 кв.м., қурилиш ости майдони 198,06 кв.м., фойдаланиш майдони 185,78 кв.м. бўлган офис биноси.

***Бошланғич баҳоси — 128 765 000 сўм.***

***<u>Талабгорлар диққатига!</u>***

Ушбу кўчмас мулклар аукцион савдосида сотилмай қолган тақдирда, уларнинг такрорий аукцион савдоси 2016 йил 23 февраль куни соат 11.00 да ўтказилади.

2016 йил 23 февраль куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган очиқ аукцион савдосига Ургут тумани СИБ томонидан Самарқанд вилояти хўжалик судининг 2015 йил 17 октябрдаги 14-1508/15257-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Ургут шаҳри, Почвон кўчасида жойлашган ишлаб чиқариш цехи қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 280 000 000 сўм.***

Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли туман (шаҳар) суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 18.00 гача қабул қилинади ва савдо бошланишига бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «Capital realtor group» МЧЖнинг АТ «Капиталбанк» Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

**Манзил: Самарқанд шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 150-уй, 3-қават. Телефон: (0-366) 234-06-38.**

69R/34

Хизматлар лицензияланган.

---

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси жамоаси Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи ўринбосари Азиз Ҳамидовга онаси

**Мунира АҲМЕДОВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

---

**«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.**

9.00 дан 18.00 гача

**232-11-15, 236-09-25.**

E-mail: reklama@xs.uz

02



# Изланишлар меваси

**Тошкент вилояти**

Зангиота туманидаги Истиқлол маҳалласида истиқомат қилувчи тажрибали боғбон Мирза ота Расулов хонадонидаги мўъжаз иссиқхонада зарур микроиқлим ҳосил қилишда ер тафтидан фойдаланилади. Анъанавий ҳандақ усулида ташкил этилган "ёпиқ томорқа"да қишнинг қорли-қировли кунларида ҳам 15 даражагача илиқ ҳарорат ҳамда бир меъёрдаги намлик сақланади.

Бундай табиий шароит эса цитрусли экинлардан мўл ҳосил етиштиришда қўл келмоқда. Хусусан, боғбоннинг саккиз йиллик изланишлари натижасида томорқада лимоннинг хориждан келтирилган "Мейер" нави маҳаллий шароитга мослаштирилди. Айни пайтда бирин-кетин пишиб етилаётган иссиқсевар ўсимлик ҳосилининг чўғи аввалги навларга қараганда 1,5-2 баробар кўп. Яна бир эътиборли жиҳати, эгатлар орасида турли резавор ва кўкатлар етиштириш ҳам тажрибада ўзини оқлади.

— Шу уч сотих ердан яхши даромад кўраяпмиз, — дейди соҳибкор. — Қаранг, ҳар туп ниҳолда камида 35-40 килограммдан ҳосил бор. Демак, мавсум давомида аҳоли дастурхонига 1 тоннадан ортиқ шифобахш мева етказиб берамиз.

**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Фаолият эътирофи

**Бухоро**

"Намунали милиция таянч пунктлари" кўрик-танловининг вилоят босқичи якунланди. Тадбирда воҳада амалга оширилаётган ишлар ўрганилиб, ўзаро тажриба алмашилди.

Хусусан, Ромитан тумани "Ромитан" қишлоқ фуқаролар йиғинидаги 94-милиция таянч пунктида тинчлик-осойишталикни сақлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш, ёшлар билан ишлаш борасида амалга оширилаётган ишлар иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Якунда мазкур милиция таянч пункти биринчи ўринга лойиқ, деб топилди. Ғолиб ва совриндорларга ташкилотчилар томонидан эсдалик совғалари топширилди.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Табиий ва шифобахш

**Фарғона**

Учкўприк туманидаги "Меҳригиё" кичик корхонасида етиштирилаётган ва қайта ишланаётган ўсимликлар шифобахш хусусиятга эга.

— Жанубий Кореядан доривор гиёҳлардан ёғ олиш ҳамда Аргентинадан чой қадоқлаш дастгоҳларини олиб келиб, ўрнатганмиз, — дейди корхона раҳбари Маъруфжон Қодиров. — Муҳими, маҳсулотларимиз табиий ҳамда экологик жиҳатдан тоза. Шу боис улар маҳаллий ва халқаро экспертлар томонидан юқори баҳоланмоқда. Хусусан, 2010 йилда "World food" халқаро кўргазмасида махсус диплом ва медаль билан тақдирланган бўлсак, 2007 йилда "Ташаббус" кўрик-танловида "Экологик тоза технологиялар учун" номинацияси ғолибига айлангандик.

Айтиш жоизки, якунланган йилда корхонанинг 75 кишилик жамоаси томонидан 1,5 миллиард сўмликдан зиёд 113 турдаги маҳсулот тайёрланиб, шундан 4 минг АҚШ долларилик қисми экспорт қилинди.

**Маъмур МУСУЛМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# «Ўзбек халқи ўзининг меҳмондўстлиги ва бағрикенглиги билан дунёда машҳур»

Япониянинг Мито шаҳрида Ўзбекистон маданияти ва санъати тақдимоти бўлиб ўтди. Тадбир мамлакатимизнинг Токиодаги элчихонаси томонидан «Япония — Евроосиё мамлакатлари» дўстлик ассоциацияси, JTB сайёҳлик компанияси ҳамда «Silk Road» ансамбли билан ўзаро ҳамкорликда ташкил этилди.

**ДУНЁ НИГОҲИ**

Унда кунчиқар юртнинг маданият ва санъат арбоблари, илмий-академик доиралари ҳамда жамоатчилик вакиллари иштирок этишди.

Тадбир «Silk Road» ансамблининг концерт дастури билан бошланди. Мазкур маданий жамоа вакиллари «Тановор», «Муножот», «Фарғона рубоийси», «Кўнгил таронаси», «Фарғона тонги», «Андижон полкаси», «Лазги» сингари ўзбек ашула ва рақсларини тақдимот қатнашчилари эътиборига ҳавола қилдилар. Уларнинг ҳар бир чиқиши гулдурос қарсаклар билан олқишланди. Ўз навбатида, ўзбек миллий либослари, ранг-баранг матолари кўргазмаси ҳам тақдимотга алоҳида мазмун бағишлади.

Тақдимотнинг фахрий меҳмони — «Япония — Евроосиё мамлакатлари» дўстлик ассоциациясининг Ибараки префектурасидаги бош котиби Шодзо Такаги «Жаҳон» ахборот агентлигига берган интервьюсида мамлакатимизнинг кўҳна тарихи ва ноёб маданияти билан бутун жаҳонда ном қозонгани хусусида тўхталар экан, Ўзбекистон заминида жойлашган гўзал ва маҳобатли меъморий ёдгорликлар бир неча асрлар давомида дунё сайёҳлари эътиборини ўзига тортиб келаётганини алоҳида қайд этди.

— Кейинги йилларда Японияда юртингизга, унинг тарихи ва замонавий ривожланишига нисбатан қизиқиш кучайиб бораётгани кузатилмоқда, — деди у. — Буни мамлакатингизга бораётган сайёҳлар оқимининг ортиб бораётгани ҳам яққол тасдиқлайди. «Марказий Осиё» ва «Буюк Ипак йўли» деганда кўпгина японларнинг кўз ўнгида, аввало, Ўзбекистон намоён бўлади. Чунки жаҳон цивилизацияси тараққиётига муҳим ҳисса қўшган кўплаб буюк олим ва мутафаккирлар айнан ана шу заминда туғилишган ҳамда ижод қилишган.

Бугун намойиш этилган маданий дастур тақдимот қатнашчиларида унутилмас таассурот қолдирди. Унда иштирок этган юртдошларим Ўзбекистонга бориш истагини дилларидан ўтказишганига ишончим комил. Чунки юртингиз — гўзал мамлакат, унда тинчлик ва осойишталик ҳукмрон, мамлакатингизда дунёдаги энг ширин таомлар тайёрланади, халқингиз эса ўзининг меҳмондўстлиги ва бағрикенглиги билан дунёга машҳур.

Эслатиб ўтамиз, «Silk Road» япон ансамбли 2003 йили Ибараки префектурасида ташкил этилган. Жамоа 10 нафар мусиқачи, қўшиқчи ва рақкосалардан иборат. Ансамбль аъзолари ўзбек миллий рақсларини ўрганиш учун бир неча маротаба Ўзбекистонда бўлишган. «Silk Road» ансамбли Японияда ўзбек маданияти ва санъатини намойиш этадиган етакчи мусиқа гуруҳларидан бири ҳисобланади.

**«Жаҳон» АА.**
Токио

# Ишбилармон аёлларга банк кредитлари

ASAKA BANK

*Мамлакатимизда хусусий сектор ривожи йўлидаги изчил ислоҳотлар иқтисодиётимиздаги чуқур таркибий ўзгаришларнинг мустаҳкам асоси бўлиб хизмат қилмоқда. Пировардида соҳа вакиллари учун кенг имконият ва имтиёзлар яратилиб, улар томонидан тайёрланаётган рақобатдош маҳсулотлар ички ҳамда ташқи бозордан муқим ўрин эгаллаяпти.*

Қувонарлиси, ана шундай ишбилармон юртдошларимиз сафида ўз меҳнати, интилиши ва ташаббуси билан эътибор қозонаётган тадбиркор аёллар ҳам кўпчиликни ташкил этади. Бу, албатта, жамият ҳаётида хотин-қизларимиз фаоллигини юксалтириш, ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш ва уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатларнинг амалий самарасидир. Табиийки, мазкур жараёнда юртимиздаги тижорат банклари томонидан ажратилаётган кредит маблағлари алоҳида аҳамиятга эга.

Хусусан, акциядорлик тижорат "Асака" банки хусусий сектор вакилларининг яқин кўмакчиси саналади. Унинг сармоялари ҳисобига ўз бизнесини йўлга қўйиб, ҳам оиласига, ҳам эл-юртга наф келтираётган опа-сингилларимиз сафи кенгайиб бормоқда. Муҳими, банк кредитлари жойларда ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш тармоқларини изчил ривожлантириш, истеъмолчилар эҳтиёжини таъминлаш ҳамда янги иш ўринлари яратишга хизмат қилаётганидан аҳоли мамнун.

Масалан, ўтган йил давомида ушбу молия муассасаси томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг жами 1 трлн. 168 млрд. сўмлик истиқболли лойиҳалари молиялаштирилган бўлса, шундан 100,1 млрд. сўмликдан зиёди бевосита ишбилармон аёллар бизнес-режаларини рўёбга чиқариш ҳамда уларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлашга йўналтирилди.

Албатта, астойдил қилинган меҳнат эътибордан четда қолмайди. Изланиш эса муваффақиятлар омилидир. Шу маънода, "Асака" банки жамоасининг бу борадаги фаолияти алоҳида эътироф этилаётгани қувонарли. Жумладан, ўтган йили пойтахтимиздаги "Ўзкўргазмасавдо" мажмуасида ташкил этилган банк технологиялари, асбоб-ускуналари ва хизматлари VIII "BankExpo — 2015" миллий кўргазмасида "Асака" банки "Аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватловчи энг яхши банк" номинацияси ғолиби бўлди. Бу мазкур муассасанинг ушбу йўналишда етакчилик қилиб келаётганини тасдиқлайди.



— "Асака" банки бизнинг доимий ҳамкоримиз, — дейди Самарқанд шаҳрилик хусусий тадбиркор Назира Муҳаммадқулова. — Оилавий корхонамиз қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Муассаса томонидан берилаётган кредит маблағлари ҳисобига фаолиятимизни йилдан-йилга кенгайтираяпмиз. Жумладан, банк кўмагида маҳсулотларимиз турини кўпайтирдик. Ҳозир шаҳримиз аҳли ҳамда меҳмонлари биз ишлаб чиқарган қандолатларни севиб харид қилишмоқда. Натижада даромадимиз кўпайиб, оиламизга барака кирди. Бунинг учун молиявий ҳамкоримиз — "Асака" банки жамоасидан миннатдормиз.

— Тикувчилик йўналишида фаолият кўрсатаяпмиз, — дейди Жиззах шаҳридаги "Жаннати Бибихоним" хусусий корхонаси раҳбари Наргиза Тўйчиева. — Бизнес лойиҳамизни рўёбга чиқаришда тадбиркор аёлларни доимо қўллаб-қувватлаб келаётган "Асака" банки ёрдамига суяндик. Ажратилган кредит замонавий ускуналар ва хом ашё харидига йўналтирилди. Шу тариқа юқори сифатли, нархи ҳам ҳамёнбоп тикувчилик маҳсулотлари тайёрлашни йўлга қўйдик. Бинобарин, 15 кишини ишга жалб этдик. Улар томонидан ўтган йили 200 млн. сўмлик маҳсулот тайёрланиб, ички бозорга чиқарилди. Жорий йилдан ҳам умидимиз катта. Янги режалар тузганмиз. Уларни амалга оширишда яна "Асака" банки кўмагига таянамиз.

РЕКЛАМА ЎРНИДА

Мухтасар айтганда, тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлашга қаратилаётган юксак эътибор уларни юртимиз равнақи, халқимизнинг фаровон ҳаёти йўлида ташаббус кўрсатиб, ғайрат билан меҳнат қилишга ундамоқда. Шу маънода, "Асака" банкининг ажратаётган кредитларини тараққиётга йўналтирилаётган сармоялар, деб эътироф этиш мумкин.

**«Асака» банки материаллари асосида**
**Ф. БЎТАЕВ тайёрлади.**

*Хизматлар лицензияланган.*

## Маданият хабарлари

***Ўзбекистон Бадиий академияси халқаро маданият карвон саройида "Усталар дурдонаси" деб номланган ксилография санъати кўргазмаси очилди.***

### «Усталар дурдонаси»

Унда таниқли ижодкорлар Медат Кагаров ва Дамир Ўразаевнинг мазкур йўналишдаги асарлари намойиш қилинмоқда.

Маълумки, ксилография санъатида ёғочнинг текис юзасига ўйма нақш ва суратлар солинади. Мазкур усулда тайёрланган қолипдан 15 мингта нусха кўчириш мумкин.

Ўзбекистон халқ рассоми Медат Кагаров — ксилография йўналишида самарали ижод қилиб келган моҳир усталардан бири. Хусусан, унинг Шарқ мумтоз адабиёти намояндалари шеърий тўпламларига ишланган безаклари ўзига хос фалсафий аҳамиятга эга. Шу боис ушбу ижод намуналари нафақат мамлакатимиз, балки Германия, Буюк Британия, Франция, Италия, Голландия, АҚШ, Япония, Ҳиндистон ва бошқа давлатлардаги нуфузли музейлардан ўрин олган.

Дамир Ўразаев ҳам ўйма наққошликда катта тажриба тўплаган. Унинг асарларини юртимиздан ташқари, хорижлик санъатсеварлар яхши билишади.

**Кумушбиби ЭРМАМАТОВА.**

### Ватан манзаралари

***Ўзбекистон тасвирий санъат галереясида истеъдодли рассом Дилмурод Юлдашевнинг "Дилбар ўлкам" деб номланган ижодий ишлари кўргазмаси очилди.***

Таъкидлаш жоизки, мусаввирнинг она-юрт манзаралари акс эттирилган туркум асарлари томошабиннинг табиат гўзалликларига нисбатан муҳаббатини янада оширади. Пурвиқор тоғлар, ям-яшил яйлов, баланд-паст адирлар... Буларнинг барчаси рассом учун илҳом манбаидир. Бой тасаввур, ранглар уйғунлиги эса расмларга ўзгача сеҳр ва жозиба бахш этади.

Кўргазмада мусаввирнинг "Сағбон кўчалари", "Ёмғирли кун", "Тошкент кўчалари" сингари асарлари намойиш этилмоқда.

**Моҳира АДИЗОВА.**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2016 ЙИЛ 9 ЯНВАРДАН 15 ЯНВАРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.

**Хабар**

***I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:***

1. Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг 2015 йил 21 декабрдаги 2-сон «Назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектлари — юридик шахслар фаолиятида ўтказиладиган текширишларни мувофиқлаштириш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори.

**2016 йил 12 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1573-10 (2016 йил 18 январдан кучга кирди).**

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2015 йил 28 декабрдаги 35/8-сон «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки депозит сертификатлари тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

**2016 йил 12 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1858-1 (2016 йил 18 январдан кучга кирди).**

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2015 йил 30 декабрдаги 332-В-1, 111, 108, 01/22-26/28-сон «Тижорат банклари балансида турган алоҳида объектларни сотиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 37-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори.

**2016 йил 12 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2589-1 (2016 йил 18 январдан кучга кирди).**

4. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2016 йил 8 январдаги 67-Н-сон «Йўловчининг ҳаво кемаси ичидаги юриш-туриш қоидаларининг 4-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

**2016 йил 12 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2416-1 (2016 йил 18 январдан кучга кирди).**

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2015 йил 28 декабрдаги 35/6-сон «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг юридик шахсларга мўлжалланган облигацияларининг чиқарилиши ва муомаласи тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

**2016 йил 13 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1140-3 (2016 йил 18 январдан кучга кирди).**

6. Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги, Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигининг 2016 йил 11 январдаги 16, 9-сон «Шаҳар йўловчи транспорти хизматларини сертификациялаш қоидалари, шунингдек уларга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

**2016 йил 13 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 950-2 (2016 йил 18 январдан кучга кирди).**

7. Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2016 йил 11 январдаги 13, 20-сон «Айрим турдаги ёввойи ўсимликларнинг тарқалишини ва уларнинг миқдорини тартибга солиш қоидаларига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги қарори.

**2016 йил 14 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2590-1 (2016 йил 18 январдан кучга кирди).**

8. Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2016 йил 7 январдаги 1-Б-сон «Оптик деталларга механик ишлов беришда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

**2016 йил 14 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2750 (2016 йил 18 январдан кучга кирди).**

9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2016 йил 8 январдаги 1, 2016-1-сон «Бозорлар ва савдо комплексларининг маъмурияти томонидан ундириб олинадиган бир марталик йиғимлар, ижара тўлови ва кўрсатиладиган хизматлар қийматининг минимал миқдорларини белгилаш тўғрисида»ги қарори.

**2016 йил 14 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2751 (2016 йил 18 январдан кучга кирди).**

***II. Давлат реестридан чиқарилди:***

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон давлат стандартлаш, метрология ва сертификация маркази, Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги томонидан тасдиқланган Шаҳар йўловчи транспорти хизматларини сертификациялаш қоидалари (рўйхат рақами 950, 2000 йил 25 июль), шунингдек уларга ўзгартиришлар (рўйхат рақами 950-1, 2001 йил 30 июнь).

**Адлия вазирининг 2016 йил 13 январдаги 12-мҳ-сон буйруғи билан давлат реестридан чиқарилди.**

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг «Бозорлар ва савдо комплексларининг маъмурияти томонидан ундириб олинадиган бир марталик йиғимлар, ижара тўлови ва кўрсатиладиган хизматлар қийматининг минимал миқдорларини белгилаш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 2643, 2014 йил 26 декабрь).

**Адлия вазирининг 2016 йил 14 январдаги 15-мҳ-сон буйруғи билан давлат реестридан чиқарилди.**

**Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 167. 152 834 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов.
Навбатчи — З. Худойшукуров.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.35 Топширилди — 21.35 1 2 3 4 5 6